# ЕТУКЛИК КАФОЛАТИ

Бу йил таянч ва ўрта мактабларни битираётган ёшлар янги намунадаги гувоҳнома ва шаҳодатномаларни олишадиган бўлишди. Мазкур янгилик хусусида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий таълим бош бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳайдарали ҲАКИМЖОНОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Маълумингизким, шу пайтгача муқоваланган ҳужжатлар нусхалари собиқ марказдан, яъни Москвадан келтириларди. Эндиликда улар «Ўқитувчи» нашриёти орқали Тошкент полиграфия комбинатида тайёрлана бошлади. Шу ўринда нашриёт рассомлари, безакчилари меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Улар таянч маълумот тўғрисида гувоҳнома, ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатномаларнинг ўнга яқин намунавий нусхаларини яратишди. Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари кўпчилик педогоглар иштирокида 10 та намунадан киши диққатини тортадиган эътиборли нусхасини танлаб олишди.

Танланган ҳужжат нусхаси кўриниши, муқоваси мустаҳкамлиги, пишиқ-пухталиги жиҳатидан олдингиларидан кескин фарқ қилади. Ҳужжатларга яшил, пушти ва мовий ранглар берилган. Бунда ўзига хос рамзийлик бор. Фақат «5» баҳоларга ўқиган ўғил-қизларга бериладиган гувоҳнома ва шаҳодатномалардаги сингари оддий нусхадаги гувоҳнома ва шаҳодатномаларда ҳам ўша рамзийлик сақланиб қолинган.

Шу кунгача вилоят халқ таълими бошқармалари буюртмаларига кўра 250 мингта оддий нусхадаги шаҳодатнома, 20 мингта аъло даражадаги шаҳодатнома ҳамда 436500 та оддий нусхадаги гувоҳнома, 19200 та аъло даражадаги гувоҳнома жойларга етказиб берилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги буюртмаси асосида 25000 та оддий нусхадаги, 10.000 та аъло даражадаги шаҳодатномалар ҳамда 35.000 та оддий нусхадаги, 2.000 та аъло даражадаги гувоҳномалар тайёрланди.

Махсус мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчи-ёшлари янги ҳужжатлар билан таъминланадилар. Уларнинг гувоҳнома, шаҳодатнома ва дипломлари таянч ва ўрта мактаб битирувчилари ҳужжатлари нусхалари ўртасида маълум фарқланиш мавжуд.

Хуллас, бу йилги гувоҳнома ва шоҳодатномалар барча битирувчи ўғил-қизларга маъқул келади, деб ўйлаймиз. Етуклик шаҳодатномаси бериладиган кун эса, шубҳасиз, байрамга айланади. Фурсатдан фойдаланиб, мактабдан катта ҳаёт қучоғига учирма бўлаётган ёшларни етуклик кафолат олишлари билан чин қалбимдан табриклайман.

Йўлларингиз нурли ва чароғон бўлсин!

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.**







*«Йил ўқитувчиси-95»*

## МАҲОРАТЛИ МУАЛЛИМЛАР

Яқинда Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти бўйича «Йил ўқитувчиси-95» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 17 нафар ўқитувчи ўзаро беллашди. Улар тўрт кун давомида ноанъанавий усулларда дарслар ўтдилар, тест топшириқларини ечдилар, педагогикага оид саволларга жавоб бердилар, ўзлари ясаган кўргазмали қуролларни ва деворий газеталарни намойиш қилдилар, алоҳида истеъдод бўйича синовда қатнашишди.

«Бу азиз Ватан — барчамизники» шиори остида ўтказилган вилоят «Йил ўқитувчиси-95» кўрик-танловида Қарши шаҳридаги 29-мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Гулнора Шукурова 1-ўринни, Касби туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зокиржон Отаниёзов 2-ўринни, Китоб туманидаги 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зулхумор Раҳмонова 3-ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар.

Ғолиблар фахрий ёрлиқлар, телевизор, магнитафон, гилам каби қимматли эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Кўрик-танловда вилоят ҳокимининг ўринбосари Кўчқор Тўйчиев иштирок этди.

**Абдували ОБИДДИНОВ, ўз мухбиримиз.**



*Пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани Тўлқин Жалолов номидаги 245-мактаб битирувчилари жонажон мактаблари қучоғида ўзларининг энг ҳаяжонли кунларини ўтказишмоқда. Негаки, ҳадемай улар ҳаётнинг янада серташвиш онларини бошлашади. Галдаги алгебра ва анализ асослари фанидан бўлган имтиҳонга ҳам ўқувчилар пухта тайёргарлик, ўзгача бир кайфият билан келдилар.*

*Суратда: мактаб раҳбари Ф. Муҳиддинов, меҳрибон ўқитувчилари М. Тожиев, М. Раҳматуллаев, С. Ёқубова, Қ. Медреимовлар уларни синовдан ўтказишяпти.*

## ЭЪЗОЗ

Самарқанд педагогика билим юртида шонли саналарга бағишланган адабий кечалар, мусобақалар, шоир, ёзувчи, санъаткорлар билан учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилади.

Яқинда билим юрти клубида атоқли адиб, моҳир сўз санъаткори, лирик шоир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб адабий-бадиий кеча ўтказилди. Кечани билим юрти директори Қ. Давронов кириш сўзи билан очди ва Ойбек ижоди ҳақида маъруза қилди.

Кеча давомида қўшиқлар янгради, билим юрти талабалари ижросида Ойбек шеърларидан намуналар ўқилди.

**Э. МАҲМУДОВ, ўз мухбиримиз.**

# МЕҲРИБОНЛИК ГЎШАСИ

*Болалик - бетакрор, беғубор фасл. Беғам, беташвиш кечадиган бу давр қайтмасдир ва уни умримизнинг охиригача орзиқиб эслаймиз. Инсон дунёга келар экан, унинг ўз меҳрибонлари - отаси, онаси ва бошқа жигарлари бўлсин. Боқувчисиз қолиш болалик бахтидан мосуво бўлишдир. Худо ҳеч кимнинг бошига бундай кунларни солмасин!*

*Давлатимиз томонидан етим-есирлар ҳар томонлама ғамхўрлик қуршовида, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояда. Улар учун махсус таълим-тарбия муассасалари хизматда. Кийим-кечак, озиқ-овқат, ўқув қуроллари ва ҳоказолар учун ажратилаётган маблағлар қанча. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Маҳрибонлик уйи тўғрисида» қабул қилинган Низом бу борадаги яна бир эзгуликдан нишона. Низомдан кўзланган мақсад нима? Меҳрибонлик уйларини бошқариш қай аҳволда? Таълимнинг қандай шакллари мавжуд? Мухбиримизнинг Халқ таълими вазирлиги интернатлар ва янги турдаги ўқув муассасалар бўлими бошлиғи Зиёвуддин Жалолиддинов билан уюштирган суҳбати шу хусусда.*

— Биз илгари болалар уйлари деб атардик. Атама ўзгарибди. Шунга мувофиқ Низом ҳам Меҳрибонлик уйи тўғрисида деб номланган. Бунинг сабаби нимада?

— «Болалар уйи» деганда қандайдир тушкунлик, ғамгинлик руҳи сезиларди. Истаймизми, истамаймизми, у ерга турлича қисматлар билан бориб қолганларга нисбатан ёвқараш бор эди. Биз бу номни ўзгартириш ҳақида узоқ ўйладик, тортишувлар бўлди. Шундай бир ном топиш керак эдики, юрагимизни юмшатадиган, меҳр-мурувват уйғотадиган бўлсин! «Касалхона» дегандан кўра «шифохона» деб аташ маъқулроқ-да. «Меҳрибонлик уйлари» деганда етим болалар ва ота-онасининг раҳнамолигидан айрилган ўғил-қизларни руҳан қўллаб- қувватлаш, халқимизга хос миллий туйғу - болажонлик, саховатпешалик, олийҳимматликка алоҳида урғу сезилади. Қисқаси, бу ном ўзбекона тушунча ва қадриятлар, хислат ва таомилларга ҳар жиҳатдан монанд.

— Дастлабки болалар уйларининг ташкил бўлиши иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келади. Агар сир бўлмаса, ҳозир бундай муассасалар Ўзбекистонда қанча?

— Ўзбек Совет Энциклопедиясида таъкидланишича, бизда илгари, яъни урушдан аввал ҳам болалар уйлари бўлган экан. Улар «етимхона» деб аталган. Етим-есир болалар қариндош-уруғлари, ака-укалари, боболари, бувилари тарбиясида ва қарамоғида бўлишган. Уруш вақтидан бошлаб эса давлат таълим-тарбия муассасаси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи, Россия давлатларининг уруш кетаётган жойларидан бошпанасиз қолган, ота-онаси, қариндош-уруғларидан айрилган ёки уларни йўқотган болалар юртимизга кўчирилган. Халқимиз уларни бажонидил қабул қилганди.

Замона тинч, боз устига Ўзбекистон мустақил давлат бўлди, қарамликдан қутулди. Меҳр-мурувватли, оқибатли кишилар сафи кенгайиши ҳисобига 2 та болалар уйи қисқарганини қувониб таъкидламоқчиман. Тарбияланаётганларнинг сони ҳам шунга яраша 1-1,2 минг кишига камайди. Эндиликда мамлакатимиздаги 28 та меҳрибонлик уйларида 3287 нафар етим ёки ота-онасининг раҳнамолигидан маҳрум бўлганлар паноҳ топишган.

— Низомни қабул қилишдан кўзланган мақсад нима?

— Низом ўша жойда тарбияланаётганларнинг манфаатларини тўла ҳимоя қилади. Уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишлари, ўқишни давом эттиришлари, келгусида ишга жойлашишлари тўлиқ кафолатга олинганини бу Низом тасдиқлайди. У давлат аҳамиятига молик муҳим ҳужжатдир.

— Аччиқ тақдир учун бола айбдор эмас. Жамиятнинг кичик аъзоси мукаммал билим олиб, хушахлоқ инсон бўлиб вояга етиши керак. Шу маънода Меҳрибонлик уйларига таълимий жиҳатдан қандай ёндашилаяпти? Бу борада Низомнинг ўзига хос томонларини шарҳлаб берсангиз.

— Таълим-тарбия мураккаб, нозик жараён. Болаларнинг ёши ва таълим-тарбия олиш муддати, уларнинг билими ва хулқини баҳолаш мезонлари ҳисобга олинади. Бундан ташқари, ёзги таътилларни ўтказиш тўғрисида ва бошқа тарбиявий ишлар бевосита жойлардаги тажрибали педагогларнинг кўмаги, маҳаллададаги обрўли кишиларнинг таклифлари асосида ҳам амалга оширилади. Халқ таълими вазирлиги, хусусан, бизнинг бошқармамиз Меҳрибонлик уйлари билан доимий алоқада. 1000 га яқин болажон педагоглар бу ишга жалб қилинган. Вазирликнинг таълим вариатив турларини бойитиш, педагогика ва ўқитиш услуби соҳаларида янги технологик жараёнларни қидириб, ҳаётга тадбиқ этиш бўйича олиб бораётган ишлари эндиликда Меҳрибонлик уйларида ҳам кенг жорий қилинади. Таълим-тарбияда болаларнинг руҳий ва жисмоний жиҳатлари ҳисобга олинади. Инсонпарварлик, зиёлилик, демократик тамойиллар асосида ўқув дастурлари танланаяпти. Жисмоний ва меҳнат тарбиясини табақалашган ҳолда олиб бориш кўзда тутилган. Энг муҳими, педагог ҳам, тарбиячи ҳам ўзининг қалб тафтини, юрак хазинасини болага бера олсин, унинг юрагига ҳарорат олиб кирсин.

Тошкент шаҳридаги бир қатор Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбиянинг илғор тажрибаси тўпланган. Чилонзор туманига қарашли Т.Милинкая, Собир Раҳимов туманидаги Х.Каримовалар директорлик қилаётган Меҳрибонлик уйларини назарда тутяпман.

— Ҳар бир Меҳрибонлик уйи таълим-тарбиянинг янги шакл ва хилларини қўллаш ҳуқуқига эга деб юқорида таъкидлаб ўтдингиз. Демак, унинг ички тартибларини белгиловчи Устави ҳам бўлиши керак. Устав олдига қўйилган асосий талаблар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Меҳрибонлик уйининг Устави Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Меҳрибонлик уйи тўғрисида»ги Низом ва шу соҳа бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида тузилади. Энг муҳими, тарбиявий ишлар дастури болаларни намунали оилада камол топаётган ўғил-қизлар сингари ахлоқий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Меҳрибонлик уйи сиёсий партиялар ва диний ташкилотлардан холидир. Низомда турли Меҳрибонлик уйларида /мактабгача ва мактаб, мактаб ёшидагилар, алоҳида шарт-шароитга муҳтож, яъни ногирон болалар/ хилма-хил дастурлар асосида болаларнинг ёши ва жисмоний хусусиятларига қараб ўзига хос тарбиявий ишлар олиб борилиши қайд этилган. Дейлик, Боёвутдаги ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйи нафақат муҳити, балки бошқа жиҳатлари билан ҳам тубдан фарқ қилади. Бинобарин, уларнинг Низомлари ҳам ўз ички тартиб ва имкониятларидан келиб чиқиб тузилмоғи керак. Меҳрибонлик уйлари Низом тузиб олсаларгина, изчил ва такомиллашган фаолиятга эга бўладилар.

— Суҳбатлашаверсак, гап кўп. Бироқ ҳаммасидан кўра юртимиз, элимизни осойишталикдан ҳеч нарса айирмасин. Сизга эса суҳбатингиз учун ташаккур! Соғ бўлинг!

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.**

*«Маърифат» хабарлари*

## ДЕПУТАТНИНГ ҲИММАТИ

Қорақалпоғистон сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Республика Жўқорғи Кенгесининг депутати Темур Камолов ўз сайловчилари — Амударё туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аҳолиси билан учрашган чоғида «Ким» деб аталувчи мактаб биносининг нураб қолганлигини кўрган эди. Ўшанда у янги мактаб қуриб беришга ваъда қилганди. Т. Камоловнинг шахсий ташаббуси билан бу хайрли иш тезда қўлга олинди.

— Депутатимиздан ғоят мамнунмиз,— дейди мактаб директори Ж. Болтўраев,— янги бино ертўлага ҳам эга.

— Янги бинони шу йил биринчи сентябргача фойдаланишга топширамиз,— дейди қурувчилар вакили Озод Ўринбоев,— мактабни Амударё кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари барпо қилишяпти.

**Ғ. ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.**

## ТАЪМИР

Қўрғонтепа туманида 48 та умумтаълим мактаби, 1 та гимназия, 1 та лицей, 25 та болалар боғчаси ва 5 та мактабдан ташқари муассасаларда таъмирлаш ишлари қизғин олиб бориляпти. Бу ишда уларга оталиқ ташкилотлари ҳамкору мададкор.

Таъмирлаш ишларининг бориши юзасидан туман таълим муассасалари базасида кўргазмали семинар ўтказилди. Қатнашчилар мактаблар ва болалар боғчаларида олиб борилаётган ишлардан, ҳокимлик томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан қониқиш ҳосил қилдилар.

Туманда таълим муассасаларини таъмирлашни тезда тугаллаш мўлжалланмоқда.

**А. МАҚСУДОВ, Андижон вилояти.**

## «МУРАББИЙ» ПАРВОЗ ЭТАДИ

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Мураббий» газетасининг 4-сони ҳам босмадан чиқди. Газета Денов шаҳар босмахонасида 4 минг нусхада чиройли расмлар билан офсет усулида босилаётир.

Ойига икки марта чоп этилаётган «Мураббий»нинг чиқиши зиёлилар ҳаётида қувончли воқеадир. Чунки бу уларнинг ўз минбарлари.

**Н. ТЎРАЕВ, Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси.**

## ТАДБИРКОРЛИК

1993 — 94 ўқув йилида мактаб ер участкасига пиёз экиб 33 миллион сўм( купон) даромад олган эдик. Педагогика кенгашининг қарорига кўра, бу маблағ таълим-тарбия ишига сарфланди.

Яхши анъаналар ривожланиши керак. Юқори натижага эришган ўқитувчилар бизда рағбатлантирилади. Шу ўқув йилининг биринчи ярмида 3 нафар бошланғич синф ўқитувчиси пул мукофотлари олди. Вилоят фанлар олимпиадасида иштирок этганларга ҳам 1000 — 2000 сўм миқдорида пул мукофотлари беряпмиз.

Масаланинг моддий томони ҳамиша барчани қизиқтиради. Жамғармамиздаги маблағни жой-жойига сарфласак, бу ўз мевасини беради. Ҳозир мактабимиз участкасида 7 минг туп терак кўчати бор. 70 сотих ерга пиёз экилган. 20 метр ерга лимонарий қурилмоқчи. Буларнинг барчаси тадбиркорлик, даромад манба.

**Т. БОЛТАЕВ, Денов туманидаги 6-ўрта мактаб илмий бўлим мудири.**

*Таълим ва бозор иқтисоди*

## ТАЖРИБА САБОҚЛАРИ

Ёш авлод — жамиятнинг келажаги. Уларга етарли билим бериш халқимиз эртаси учун қайғуриш демакдир. Бу ўринда, айниқса, мустақил давлатимиз келажагини етук кадрлар билан таъминлаш учун мактабларда иқтисодий фанлар ва чет тилларини ўқитишни кучайтиришимиз, ўғил-қизларга компьютер ҳақида мунтазам маълумот беришимиз зарур.

Иқтисодиётимизнинг назарий асоси республикамиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида пухта ва пишиқ, аниқ ва равшан ишлаб чиқилди. Бизнинг вазифамиз эса уни ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир. Бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан кўплаб муаммолар вужудга кела бошладики, бунинг асосий сабабларидан бири иқтисодий савиямизнинг давр талаби даражасида эмаслиги, бозор қонунларини билмаслигимиз ва тушунмаслигимиздандир. Масаланинг яна бир жиҳати эса — эски тоталитар тузум давридаги психологиянинг одамлар онгида ҳамон ҳукмронлигида деб биламан. Шундай экан, биз асосий эътиборни ёш авлодни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришга қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Республикамизда моддий бойликларнинг барчаси мавжуд. Биз эртага улар кимнинг қўлида қолишини ҳам ўйлашимиз керак. Зеро, буюк Темур авлодларини ишбилармон, тадбиркор қилиб тарбиялаш бизнинг авлод зиммасидаги муқаддас ишдир. Зотан, иқтисодий савия ҳар қандай мутахассиснинг эркин ишлаши учун асос бўлади. Бу фикрларни бирма-бир хаёлимдан ўтказар эканман, ўқувчиларга бошланғич иқтисодий билим беришни ўрта мактаблардан бошлаш лозим, деган қарорга келдим. Ниҳоят шу таклиф билан Жомбой тумани халқ таълими бўлими мудири О. Холжигитовга мурожаат қилдим. У киши бу ташаббусни ёқлаб, тажрибани тумандаги 51-ўрта мактабда синаб кўришни тавсия этди.

1993 йилдан бошлаб мазкур мактабнинг 10-11-синфларида иқтисодиёт назариясини ўқитишни йўлга қўйдим. Предметнинг асосий вазифаси — ўқувчиларга иқтисод ҳақида умумий маълумот бериш, унинг асосий қонунлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш эди.

Меҳнатларимиз зое кетмади. 1994 йилда мактабимизни битирган 3 нафар ўқувчи тест синовлари асосида Тошкент давлат иқтисодиёт университетига қабул қилинди. Бунда, албатта, мактаб жамоасининг ҳам алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидламоқчиман.

Пировардида яна шундай фикрга келдимки, жамиятимизда онгли ёшлар қанчалик кўп бўлса, унинг тараққиёти ҳам шунчалик юксак бўлади. Биз баъзиларга ўхшаб ўзини ишбилармон дегувчи «чайқовчи тадбиркор»ларни эмас, Ватан истиқболи учун қайғурадиган, миллат шаънини Муқаддас билгувчи ишбилармон тадбиркорларни тарбиялашимиз зарур.

Ҳозирги кунда халқимиз бозор иқтисодиёти моҳиятини тўла тушуниб етганича йўқ. Кўпчилик қўшма корхона, фирмаларни мўмай пул топишнинг воситаси деб билмоқда. Аслида эса бу катта ақл ва меҳнат талаб қиладиган жараёндир. Назаримда «Иқтисодий назария» фанини ўрта мактабларга мустақил фан сифатида киритишнинг фурсати етди. Чунончи, бозор иқтисоди ҳақидаги фикрларни ўқувчилар онгига сингдиришимиз бугуннинг талабидир. Бу янги фан ўқув дастурига киритилса, ўйлайманки, натижалар ёмон бўлмайди. Бунга ишончим комил. Негаки, ўтказган тажрибаларим шундай хулоса чиқаришимга асос бўлди.

**Мусаввар ТОШЕВА, Жомбой туманидаги 51-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

# КЎРИБ КЎНГИЛ ЯЙРАЙДИ

### ёки мактаб қиёфасига чизгилар

Мустақилликнинг ҳозирги босқичида халқ таълими тизими олдига ёшларни маънавий-ахлоқий мукаммал, юксак одоб-ахлоқли ва маърифатли кишилар қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилмоқда. Бу муҳим ва долзарб масала дарслар, синфдан ташқари ишлар ҳамда тадбирлар жараёнида ҳал қилинади. Бу нуқтаи назардан қараганда Тошкент шаҳридаги Сирғали тумани мактабларининг амалий фаолиятлари диққатга сазовордир. Мактаблардаги таълим-тарбия масалалари тўғрисида гап кетганда, туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Султонов 284-мактаб ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Мудир билан самимий суҳбатдан сўнг Наврўз кунларида ушбу илм масканида бўлдик. Мана орадан ойлар ўтган бўлса-да ўша кунлардаги мактабдан олинган таассуротлар ҳамон хаёлни тарк этмайди... Мактаб йўлакларида, синфхоналарда, фан хоналарида турфа гуллар. Ҳаммаёқ озода, нафосат шавқи билан йўғрилган, синфхоналар нозик дид билан жиҳозланган. Қисқаси мактабга кириб борган кишининг баҳри-дили очилиб кетади.

Кутубхона эса доимо ўқувчиларга гавжум. Мудира Бахтигул Бакиеванинг қўли-қўлига тегмайди. У китоб тарқатади, китоб қатида гўё зиё таратади. Кутубхона ўқувчиларни дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалари билан таъминлашга муваффақ бўлган. Мактаб ва кутубхонанинг ташкил қилинганига узоқ давр бўлмаган бўлса-да, Б. Бакиева 3000 нусхадан ортиқ турли жанрдаги бадиий адабиётларни йиғган. Тўғриси, уларнинг бир қисми шахсий ҳисобидан.

Кутубхонанинг бир бурчагига мустақиллик ғоялари ва мафкурасини акс эттирувчи китоблар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари тартиб билан қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси матнини ёдлаш ва уни куйлаш бўйича ўқувчилар ўртасида тез-тез кўрик-танловлар ўтказилиши қувонарли ва муштарак тадбирдир. Қолаверса, мустақилликнинг туб моҳиятини ва вазифаларни тушунтириш, тарғиб қилиш мақсадида таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув кечалари ўтказиб турилади. Айниқса, мактаб жамоаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди ТЎхтабоев билан бўлиб ўтган учрашувни ҳали-ҳанузгача тўлқинланиб эслашади.

Кейинги вақтларда болалар ва ўсмирлар содир қилаётган ножўя хатти-ҳаракатлар олдини олиш ва бартараф этиш муаммоси кўндаланг қўйилмоқдаки, бу мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу зурурий масалани ҳал қилишда болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш асосий омилдир. Мактабда, айниқса, шу ишни бажариш борасида анча қизиқарли тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган. Фаолият кўрсатиб турган 40 га яқин турли фанлар бўйича тўгараклар, ўғил болаларнинг «Қарсак» ёш доирачилар ҳамда «Баҳор ғунчалари» ашула ва рақс дасталари бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Нафосат (эстетик) тарбиясини тўғри ташкил этишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Алимуҳамедов раҳбарлик қилаётган «Қарсак», М. Турғунбоева номидаги жумҳурият «Баҳор» ашула ва рақс ансамблининг истеъдодли раққосаси Малика Алимуҳамедова бошқараётган «Баҳор ғунчалари» тўгараклари фаолиятлари диққатга сазовор.

— Мактаб маъмурияти,— дейди Малика, — ўқувчиларни дастага жалб қилишда катта ёрдам берди. Ёшлар ўртасида шундай истеъдодлар борки, улар профессионал раққосалардан кам эмас. Бу менда қизиқиб ишлаш учун илҳом уйғотади. Бирор кеча ёхуд эрталик дастамиз иштирокисиз ўтмайди.

Фан хоналари (кабинетлари) фаолияти таълим-тарбия ишларининг янада такомиллашувида яхши ва самарали омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўқувчиларнинг барча фанлар бўйича олимпиадаларга пухта тайёрланиши учун ўша хоналар муҳим рол ўйнайди. Натижада, ҳар йили 35-40 ўқувчи туман ва шаҳар олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашади. Бизнингча, бу битта мактаб учун жуда катта натижа, бошқача айтганда, таълим-тарбиянинг равшан кўзгусидир.

— Юқори синф ўқувчиларининг одоб-ахлоқи ва билими учун, — деди бошланғич ўзбек синфлари бўйича илмий бўлим мудираси Ҳ. Шерзодова, — асосан, 1-3-синфларда катта кўламдаги ишлар олиб борилади. Н. Шоҳназарова, Г. Маматова, Л. Абдужалилова, Л. Б. Подмосковная сингари қатор ўқитувчилар ижодкорлик билан, бугунги кун талаблари асосида ишламоқдалар.

— Мактабимизни бошқаришнинг ўзига хос қийинчиликлари борлигини яширолмайман,— деди директор Нина Нерсесовна Мкрдумян,— таълим мактабимизда ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида олиб борилади. Қолаверса, бизда уч минг ўқувчига 110 ўқитувчи таълим-тарбия беради. Тарбия ишлари тўғри ва мустаҳкам ташкил қилинса, ўқиш-ўқитиш кўнгилдагидек бўлади. Шунинг учун таълим билан бир қаторда тарбияга алоҳида эътибор берамиз. Тарбия фаолиятимиз асосан миллий қадриятларни, урф-одатларни ҳурмат қилишга қаратилган.

Директор тарбия тўғрисида қисқагина гапирди-ю, аслида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Рус синфларида ўзбек тилини ўргатишга эътибор кучли. Тажрибали ўқитувчилар жалб қилинган. «Жонли тил» кўрик танловлари тез-тез ўтказиб турилади. Байналмилал тарбияга эътибор катта. Яна бир нарса қувонарлики, Оврўпа миллатига хос ўқитувчилар доимий равишда тилни мукаммалроқ ўрганиш учун ўзбек тили дарсларида иштирок этишади. Худди ўқувчилардек дарсларга тайёрланиб, уй вазифаларини бажариб келишади.

Иқтисодий ислоҳотлар, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш каби муҳим масалалар мактаб маъмурияти диққат марказида турибди. Иқтисод фани бўйича ихтисослаштирилган махсус синф ташкил қилинган. Унга Тошкент халқ хўжалиги институти катта ўқитувчиларидан Д. Муҳитдинов, Т. Аҳмедов кабилар масъулдирлар. Дарсда ўтилган мавзулар ишбилармонлар ва тадбиркорлар фаолиятини акс эттирувчи турли тадбирлар, ўйинлар, мунозара-баҳсларда мустаҳкамланади. Шу ишларни уюштиришда ва тўғри йўлга қўйишда юртбошимизнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, шунингдек ислоҳотларнинг беш тамойили асосий қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Хуллас, мактаб жамоаси маънавий-ахлоқий тарбия мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий негизи эканини яхши тушунади.

**Сафо ОЧИЛ.**

*Бугун мактабда*

## КЎРСАТКИЧЛАР ЯХШИ

Оқолтин туманидаги А. Ҳусанов номли 8-ўрта мактаб директори Улуғбек Саидалиев изланувчан ва тиришқоқ раҳбарлардан. Улуғбек ака биз билан бўлган суҳбатда мактабнинг бугунги ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

— Кеча 9-синф ўқувчиларидан алгебра фани бўйича имтиҳон олгандик. Болалар имтиҳонни янгича услубда, ҳар бири биттадан билет олиб 4 соат давомида жавоб ёзиб топширишди. Имтиҳон олишда математика ўқитувчилари Саҳоб Исмоилов, Абдукарим Қувондиқовлар жонбозлик кўрсатдилар. Мана, бугун натижалари билан танишиб чиқаяпмиз. Айтиш мумкинки, кўрсаткичлар яхши. Ўқувчиларимиздан Фарҳод Хайруллаев, Шуҳрат Худойқулов, Наргиза Қўшматова, Моҳира Латипова, Ёлқин Уролов, Дониёр Исмоиловлар имтиҳонда аълога жавоб беришган.

— Улуғбек ака, маълумки, ҳозир ҳамма мактабларда таъмирлаш ишлари кетяпти. Бу борада мактабларингизда нималар қилинмоқда?

— Фан кабинетларида бу ишлар якунланиш арафасида. Мактабни тўла таъмирлашни оталиқ ташкилотимиз — Бобур номли ширкатлар уюшмаси, қолаверса, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар биргаликда давом эттиряпмиз.

— Қуйи синф ўқувчиларининг ёзги дам олиши қандай кечаяпти?

— 30 нафар ўқувчининг лагерда дам олишини уюштирдик. Бундан ташқари мактабимиз қошида ташкил этилган соғломлаштириш марказида ҳам 25 нафар бола дам олмоқда.

Умуман айтганда, туман мактаблари ичида барча соҳаларда олдингилар сафида бўлишига ҳаракат қилаяпмиз.

**Суҳбатдош Икром БЎРИБОЕВ.**

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад — 75 ёшда*

## НУРЛИ УФҚ

*У болалик йилларидаёқ Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ижодидан таъсирланиб ҳикоялар машқ қила бошлади. Узлуксиз меҳнат, ўқиш-ўрганиш, машқ қилиш натижаси ўлароқ илк ҳикоялари дунёга келди ва устозлар назарига тушди. 60 йилдирки, у тинимсиз ижод қилади.*

*Саид Аҳмаднинг 50 дан ортиқ китоби нашр қилинган.*

*Аввалига ҳикоячиликда қаламини чархлаган Саид Аҳмад кейинчалик йирик асарларга ҳам қўл ура бошлади. «Уфқ» трилогияси кенг китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинди. Трилогия жуда кўп тилларга таржима қилиниб, хориждаги китобхонларга ҳам манзур бўди.*

*Саид Аҳмаднинг романлари, қиссаю ҳикоялари кирмаган хонадон йўқ.*

*Бугунги кунда ҳажвчилик байроғи Саид Аҳмаднинг қўлида. У ўз шогирдлари билан адабиётнинг бу қувноқ соҳаси ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.*

*Кейинги йигирма йил мобайнида у драматургия ва кинодраматургия соҳасида ҳам баракали ижод қилмоқда. «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедиялари кўп йиллардан бери саҳналардан тушмай намойиш қилинмоқда. Бу комедиялар мамлакатимиз ташқарисида ҳам кўпчиликка маълум. Улар хориждаги атоқли театрларнинг доимий репертуаридан ўрин олган. «Муҳаббат можароси», Тўйлар муборак», «Куёв» фильмлари жуда машҳурдир. Айниқса, «Келинлар қўзғолони» бадиий фильми жаҳоннинг деярли ҳамма мамлакатлари экранларида муваффақият билан намойиш қилинди.*

*Ўзининг 75 ёшини нишонлаш арафасида Саид Аҳмад «Уфқ» романи асосида драма ёзди. Бу асар Ҳамза номли академик театрда маҳорат билан саҳналаштирилди.*

*Саид Аҳмад адабиёт, санъат ва журналистика соҳасидаги хизматлари учун бир неча орден ва медаллар билан мукофотланган, Давлат мукофоти лауреати. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад муборак тўйи арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.*



Саида ЗУННУНОВА

## СЕН ҲАМ ШУНДАЙМИДИНГ...

Бир вақтлар ўлтириб ўйлардим гоҳи:
Қизиқ, ким бўларкин умр йўлдошим.
Кўнглим, ҳисларимни англармикан у,
Койитиб тўкмасми кўзимдан ёшим.

Билмасдим ким ўзи ва яшар қайда,
Лекин ҳурматини сақлар эди дил.
Ёнимда сезардим уни ҳар жойда,
Ўйлардим кўзига боқсам деб дадил.

Сен ҳам шундаймидинг, айт-чи, азизим,
Севганмидинг мени кўрмасдан туриб.
Сувлар ёқасида хаёл суриб жим,
Излармидинг мени боғларда юриб.

Гулларга шивирлаб ишқинг, сирингни,
Вафо, садоқатдан сурганмисан ўй?
Йўқса, мақтамагин менга кўнглингни,
Йўқса, муҳаббатдан гапирмаёқ қўй!

1957

# АДИБ ЁНИДА

«КИЧИК ШУМЛИКЛАР»ДАН

### ТАРИХНИ ЎРГАНИШ

Паррандалардан энг кам уйқуси — хўроз. Ёзувчилардан — Саид Аҳмад! Фарқи шуки, хўроз ўзининг қўндоғида туриб қичқиради, Саид Аҳмад ака тепангга келиб жаврайди.

Бир гал Асакада меҳмон бўлдик. Аллақайси колхоз боғида ярим кечагача гурунглашиб ўтирдик. Кунбўйи йўл юриб чарчаган эдик. Учта калаватга қатор қилиб жой солишган экан. Эркин Воҳидов билан мен ётиб дам олдик. Саид Аҳмад ака сигарета чекиб, кафтдек радиосини эшитиб ўтираверди.

Ухлаб қопман. Бир маҳал саҳарда Саид Аҳмад ака елкамга туртиб уйғотди.

— Нохуш хабар айтаётганим учун хафа бўлмайсан, болам,— деди маъюс оҳангда,— ҳозир радиоада айтди, Англия қироличасининг ити ўлиб қопти.

— Суяк-пуяк тиқилгандир-да,— дедим энсам қотиб.

Бутун дунёда таъзия эълон қилинибди,— деди Саид Аҳмад ака.— Кўнглим бузилиб кетаяпти.

— Хешлари номидан ҳамдардлик билдириб, телеграмма юборинг,— дедим-да, бошимни буркаб олдим.

Мендан иш чиқмагандан кейин Саид Аҳмад ака Эркин Воҳидовнинг бошига борди.

— Эркин, болам,— деди ғўлдираб.— Сен эсли йигитсан. Ҳар балога ақлинг етади. Боядан бери бир нарсани билолмай бошим қотаяпти. Товуқнинг чап оёғидан қилинган табака яхши бўладими, ўнг оёғиданми?

Эркин ака «эй, қўйинг-э», деган эди, оқсоқол шип-шип юриб нари кетди.

Тағин кўзим илинибди. Бир маҳал Саид Аҳмад ака иккала калавот ўртасида туриб олиб қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

— Билмаганни сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган — ўзига золим, деган гап бор. Сенлар университетни битирган бўлсанг, мен ўқимаган бўлсам, сўрасам нима қипти? Мен ҳам тарихни билгим келади. Клара Цеткин нечанчи йилда туғилган?

У ёқдан Эркин ака, бу ёқдан мен норози тўнғиллаган эдик, оқосоқл «биринг — шоир, биринг ёзувчиман, деб мақтанасану илминг — капийка!» деб нари кетди.

Уйқум бутунлай ўчди. Эркин аканинг оромини бузмаслик учун нафасимни ичимга ютиб ётавердим. Ярим соатлар ўтди. Туйқус Эркин аканинг калавоти ғирчиллади.

— Ўткиржон!— деди секин,— уйғоқмисиз?

— Ҳа,— дедим.— Кўрмайсизми чолни, уйқунинг белига тепди!

Эркин ака хўрсинди.

— Ростдан ҳам Клара Цеткин нечанчи йилда туғилган эди? Боядан бери шуни ўйлаб ётибман.

Саид Аҳмад ака зипиллаб бошимизга келди.

— Мана энди бинойидек одам бўлдиларинг, болларим! Ўзимнинг туғилган йилимни билмайману, Клара Цеткининг билан нима ишим бор! Тураққолларинг! Ҳадемай тонг отади, чой иче-е-б, олди-қочди гаплардан гаплашиб ўтирамиз.

### «БЕМОР» ПИЁЗ

Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур дачаси ҳозир Саид Аҳмадники. Бу — биринчидан. Иккинчидан, дача ёзувчилар боғининг шундоқ кираверишида жойлашган. Учинчидан, Саид Аҳмад ака паловни «сайратиб» юборади. Чўнғаранинг гуручию, зайтун ёғидан қилинган ошни кўп адиблар еган. Нега деганда устоз пиширган ошини барибир битта ўзи емайди. Боққа дам олишга борган ёзувчилардан кўнгил яқинларини албатта чақириб чиқади.

Ошхўрлар жудаям ноинсоф эмас. Ошга ҳар ким баҳоли қудрат «ҳисса» қўшади. Биров тўрттагина сабзи, биров Ёзувчилар боғининг ошхонасидан олиб чиқилган бир кафтгина туз, биров бир қути гуугрт дегандек... Қолган «арзимас» харажатлар Саид Аҳмад акадан.

Кунларнинг бирида Эркин Воҳидов қўнғироқ қилиб қолди.

— Юринг, оқсоқолнинг дачасига бориб пиёздан хабар олиб келамиз.

— Қанақа пиёз?— деган эдим, тушунтирди.

Эркин ака устознинг дачасига бир эмас нақ олтита пиёз олиб борган экан. Пиёз бўлгандаям унақа-бунақаси эмас, Олтиариқнинг пиёзи!

Эркин Воҳидов, Раҳматулла Иноғомов, мен — узун-қисқа бўлиб кириб бордик. Пиёздан хабар олгани келганимизни айтдик. Устоз ош дамлади. Маълум бўлишича, бу Эркин ака билан Раҳматулла аканинг тўртинчими-бешинчи марта «пиёздан хабар олиши» экан.

Мен ҳам мазахўрак бўлиб қолдим. Текин ош кимга ёқмайди! Келаси шанба Эркин Воҳидовга қўнғироқ қилдим.

— Пиёздан хабар олиб келмаймизми?

— Иложи йўқ,— деди Эркин ака, — «пиёз операцияси» барбод бўлди.

Кейин воқеани тушунтирди. Эрталаб кўчага чиқса, дарвоза олдида чиройли лента билан ўралган қоғоз қути турган эмиш. Эркин ака ҳайрон бўлиб қутини очса, қат-қат қоғоз орасидан битта пиёз, ёнида конвертга солинган хат чиқибди. Хатда шундай сўзлар ёзилган экан: «Эркин, болам, пиёзинг уйимга кетаман деб, хархаша қилавериб юрагимни сиқиб юборди. Шунча ялинсам ҳам кўнмади. Сени қаттиқ соғинибди. Ичикиб, касал бўлиб қолди. Хафа бўлма, уч-тўрт кун табибга қаратсанг, ўзига келиб қолади. Сен пиёзингни яхшилаб даволатиб тур. Келаси ҳафта ўттиз-қирқ киши кўргани борамиз».

— Энди нима қиласиз?— десам, Эркин Воҳидов топган чорасини айтди.

— Ҳозир оқсоқолга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб турувдим. «Пиёзнинг дарди оғир экан, шўрлик ўлиб қолди», деб қўя қоламан.

— Эсингиз жойидами?— дедим капалагим учиб.— Оқсоқол пиёзингнинг таъзиясига келдик деб, юз кишини бошлаб келса нима қиласиз?

— Буёғи ҳам бор,— деди Эркин ака ўйланиб.— Майли, бир йўлини қиларман.

Уч кундан кейин, Саид Аҳмад акага Эркин Воҳидовдан хат борибди. Хатда шундай сўзлар битилган экан.

«Устоз! Пиёзимни шунча боққанингиз учун раҳмат. Икки кунда оёққа туриб кетди, келиб овора бўлиб юрманглар. «Ёшлик — бебошлик» деб шуни айтади-да! Ҳайронман, тенгини топибдими, битта пиёз билан Олтиариққа қочиб кетди!»

**Ўткир ҲОШИМОВ.**

*Саид Аҳмад ҳангомалари*

### КАМБАҒАЛ ЭКАН

Отам раҳматлик бир сафар Тошкентта келганларида устоз Неъмат Аминов билан Саид Аҳмад аканинг Дўрмондаги дала ҳовлисига бордик. Саид Аҳмад ака бир оз помидор ниҳол олиб келган экан, шуни биргалашиб экдик.

Баҳор ҳавоси илиқ бўлгани учун Саид Аҳмад ака бизни майкада кутиб олди. Майка азбаройи кўп кийилганидан анча эскириб, «ейилиб» кетибди.

Помидор ниҳолни экиш жараёнида анча-мунча ҳазил ҳангомалар бўлди. Қайтишда Саид Аҳмад ака отамга алоҳида миннатдорчилик билдириб: «Очилбой, помидор пишса закуска қилгани албатта келасиз», — деди ҳазиллашиб.

Уйга келгач отам куюниб гапириб қолди:

— Ўзимиз билган машҳур ёзувчи Саид Аҳмаднинг ҳам аҳволи чатоқ экан.

— Нега ундай деяпсиз, ота?

— Бечора жуда камбағал экан. Тузукроқ майка олишгаям пули йўқ, шекилли. Бирор магазиндан майка олиб борсак бўларкан.

— Ота, ўзи ҳақиқий ёзувчилар кийимнинг қадрига етади. Эгнидаги то йиртилиб, ҳилвираб тушиб қолмагунча кияди, — дедик отамнинг соддаликларидан кулиб.

Отам раҳматлик ўзлари камбағал бўлганлари учун ҳам Саид Аҳмад акани эски майкада кўриб, раҳми келган бўлса керак.

### ҚУВЛИК ЎТМАДИ

Саид Аҳмад аканинг «Жимжитлик» романи «Шарқ юлдузи»да чоп этила бошланган кезлар. Ўша даврларда журнал бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган таниқли адиб Мурод Муҳаммад Дўст техник муҳаррир Юсуф Абдуллаевга янги чиққан журнални Саид Аҳмад аканинг Дўрмондаги дала ҳовлисига олиб бориб беришни тайинлади.

Журнални олган Саид Аҳмад ака хурсанд бўлиб, Юсуфдан сўради:

— Шунча йўлдан овора бўлиб келибсан, раҳмат, ўзинг қаерда турасан?

— Чилонзорда.

— Ма, қайтишда йўл кира қиласан, болам, — деб Саид Аҳмад ака унга 15 сўм берибди. Энди ўша даврларда 15 сўмнинг қадри анча баланд эди.

Юсуф ҳам анчагина шум йигит. Иккинчи марта журнал олиб борганида Саид Аҳмад ака кўпроқ пул берадими деб, бу сафар «Қуйлиқда тураман» дебди.

— Чакки қилибсан, болам. Журнал чиққунча Чилонзорда туриб турсанг бўларди, — деб Саид Аҳмад ака барибир 15 сўм берибди.

### ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ДЎППИСИ

Шу кунларда Саид Аҳмад аканинг 75 йиллиги қизғин нишонланяпти. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри ёнидаги кафеда берилган зиёфатда Саид Аҳмад акани Ғафур Ғуломнинг қизлари Олмос опа қутлаб шундай деди:

— Сиз Ғафур Ғуломлар хонадони учун фарзанд ҳисобланасиз. Гўё туғишган акамиздай бўлиб кетгансиз... Адамнинг бисотларидан қолган ушбу дўппини Сизга совға қилиб олиб келдим. Илоё, адамнинг қолган умрини ҳам Сизга берган бўлсин!

Олмос опа Саид Аҳмад акага дўппи кийдириб, елкасига тўн билан белбоғ ташлади. Шунда ҳозиржавоб Саид Аҳмад аканинг ҳазилкашлиги тутиб:

— Қизим, отангдан пул-мул қолмаганмиди? — деди.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

## Эҳтиром кечаси

Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри биносида мўйсафид ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг 75 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра ёзувчига «Дўстлик» орденини Ўзбекистон Республикаси давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев топширди.

Кечада Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа республикалардан келган меҳмонлар, ёзувчининг шогирдлари Саид Аҳмад ижоди ва фаолияти ҳақида гапирдилар. Шунингдек, республикамизнинг турли вилоятларидан ҳам меҳмонлар келиб ёзучимизга дил сўзларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Фарруҳ Зокиров ва «Ялла» гуруҳи, Ғуломжон Ёқубов, шунингдек, машҳур қизиқчилар Ҳожибой Тожибоев, Мирза Холмедов, «Баҳор» ашула ва рақс ансамбли давранi қизитиб турдилар. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи асосидаги спектаклдан бир парча намойиш этилди.

**Мухбиримиз.**

*Маънавий мерос*

# МИЛЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАМАЛ ТОШЛАРИ

Ҳар қандай даҳо ҳам муаллимдан таълим олган, деганда Шокиржон Раҳимий миллий онгнинг мантиқий индаллосидан келиб чиққан эди. Жаҳон қойил қолган олиму фузалоларимиз, мутафаккиру даҳоларимиз ҳам муаллимдан сабоқ олгандир... Шу маънода истиқлол туфайли янгича маънода ислоҳ бўлаётган маорифимиз тизимида таълимни миллийлаштириш, тарихий тамойилларга, миллий қадриятларга эътиборни кучайтириш юзасидан педагог ва олимларимиз турлича фикрлар айтишмоқда. Таҳлил этадиган бўлсак, мунозаратала6 фикрлар жуда кўплаб учрайди.

Инқилоб деб аталувчи хунрезликдан олдин ва Шўро ўрнатилгандан кейинги ўн йилликлар онларида ўзбек миллий маорифида таълимнинг баъзи масалалари таҳлили шуни кўрсатадики, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Ашурали Зоҳирий, Фитрат, Элбек, Шокиржон Раҳимий каби улуғ педагог олимларимизнинг миллий таълим, бола тарбияси, ахлоқ-одоб ва қадриятлар хусусидаги ҳам илмий, ҳам методик, ҳам бадиий ижодга доир асарлари, дарслик ва қўлланмалари, мақолалари бугунги кунда қайта тикланишни талаб этмоқда.

Чунончи, таълимнинг янгича, миллийлик қобиғида берилиши лозимлиги ва бошқа ижтимоий муаммоларга қарата ёзилган ва 1911 йилда чоп этилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» номидаги 3 парда 4 кўринишли миллий руҳдаги фожиаси, Туркистон ҳудуди жуғрофиясини асос қилиб олган ўзбек мактабларининг 3 ва 4-синфлари учун Мунаввар Қори томонидан ёзилган ва 1917 йили босилиб чиққан «Ер юзи» номидаги география дарслиги, бошланғич синфлар учун тузилиб, 1918 йили Ашурали Зоҳирий томонидан чоп эттирилган «Она тили» дарслиги, араб ва лотин ёзувида битилган ва атоқли педагог олим Шокиржон Раҳимий томонидан чоп эттирилган миллий руҳдаги «Совға» (1921) ва шу олимнинг миллий педагогикамиз тарихига бағишланган, 1923 йилда «Туркдавнашр»да чоп этилган «Узбек маорифининг ўтмишидаги ва ҳозирги ҳоли» методик-илмий китоби, 1925—1927 йилларда Фитрат томонидан тузилиб чоп эттирилган бошланғич мактаблар учун «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» морфология ва синтаксис китоблари, қолаверса, Элбекнинг бошланғич мактаб она тили ўқитувчилари учун методик маслаҳат руҳидаги «Бошланғич мактабда она тили» (1923) китобларини қайта чоп эттириш ва булардаги ибратли қарашларни олиб, ҳозирги замон мактабларимиз руҳига сингдириш лозим. Биз ўтмиш маорифининг кўпроқ ахлоқ-одоб, иффат ва ихлос бобидаги, ўқитишнинг ташкилий томонларидаги ибратли қирраларини олмоғимиз даркор.

Ҳозирги педагогларимизнинг ўтмиш муаллимларимиз фаолиятларини ва ижодиётларини ~~дуруст билма~~сликлари сир эмас. Қаранг, Ш. Раҳимийнинг 1929 йилда «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 6-сонида «Ўқитувчиларнинг маълумотини ошириш» сарлавҳасидаги мақоласида нималар дейилибди: «Ҳар бир муаллим энг аввало жамиятни ўргансун, ... Табиатни билсун,.. Риёзиётни тушунсун... Бадан тарбия ва нафис санъатни билиш шартдур. Иймон тарбиясини эгалласун. Ана ўшанда ўқитувчи болани кўнгилдагидек тарбиялайдур ва билим берадур».

Аллома айтган ва муаллимлар олдига қўйган бундай умуминсоний ва миллий педагогик талаблар ҳозирги замон маорифимиз учун ҳам долзарбдир.

Жадидчилик ҳаракатида дастлаб диний таълимотнинг эскича хурофий томонларини ислоҳ қилиш, мусулмонларга оврўпоча таълим беришга интилиш ётарди. Бу ҳаракат Туркистонда капиталистик муносабатларнинг шаклланиши таъсирида маҳаллий халқларнинг ижтимоий- сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни, халқнинг маърифат ва янгилик томон интилаётганлигини ўзида акс эттирди. Бу ҳаракат асосан матбуотда, маориф қаърида ўз изини қолдира бошлади.

Туркистонда савдо-сотиқнинг ривожланиши билан саноат ва тижорат ишларини бошқаришга саводхон кадрлар деярли йўқлиги учун уларга бўлган ижтимоий зарурат сезила бошлаган эди. Шу боис М. Беҳбудий, Мунаввар Қори, Ҳамза, А. Зоҳирий, Ш. Раҳимий каби буюк педагоглар ҳаракати ила Туркистон халқлари ҳаётидаги бу саводсизлик бўҳронини йўқотиш мақсадида таълим тизимидаги эскича фақат хурофий дарслар ўқитилишининг қисқартирилиши ҳисобига болаларнинг саводини чиқариш учун дунёвий илмлар — арифметика-ҳисоб, табиийт, жуғрофия, мантиқ каби фанлар ҳам ўқитила бошланди.

Иккинчи босқич мактаблар дастурларида эса ҳандаса ва ҳикмат фанларини ўқитиш ўз навбатида М. Беҳбудий ва Мунаввар Қори томонидан киритилган, Туркистон болаларини янгича таълим жараёнига боғлаш орқали уларга сиёсий ва ижтимоий воқеликни тушунтириш мақсад қилиб қўйилган эди. Шу боис жадидлар янги мактабларни кўпайтиришга эътиборни кучайтирдилар, таълим тизимига диний қадриятлар билан боғлиқ ўқитилишлар билан муштарак ҳолда турли дунёвий фанларни ўқитишни маорифнинг асосий вазифаларидан бири қаторига киритдилар.

Туркистонда биринчилардан бўлиб 1914—1915 ўқув йилидан бошлаб Маҳмудхужа Меҳбудий ва Мунаввар Қори, А. Авлоний ҳамда Ҳамза ташаббуслари билан Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Бухоро каби жойларда таҳсил муддати 4 йил ва 1-босқич деб аталган жадид мактаблари сирасига 2-босқичли таълим системаси ҳам жорий этилди. Бу системадаги мактабларни Маҳмудхўжа Беҳбудий «Намуна» мактаби деб этади. «Намуна» мактаблари иккига ажралиб, буларнинг 1-босқичи бошланғич, иккинчи босқичи — юқори синфлар, яъни 5—7-синфлар деб юритилган.

Жадидчилик ҳаракатининг атоқли арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий қарашларида миллий маориф таълимининг негизида дунёни илмий тушуниш билан бирга диний қарашларни эътибордан четда қолдирмаслик ғоялари ётарди.

Халқ таълимида жадидчиликнинг пайдо бўлиши ва унинг кўп йиллар яшаб келишида энг аввало, матбуотнинг роли ягона ва бениҳоя бўлганлигини юқорида тилган олган эдик. Бу ҳақда, яъни ўзимизда пайдо бўлган матбуотдан ташқари кўпроқ чет эллардан илғор фикрли матбуотнинг кириб келиши катта омил бўлганлигини атоқли педагог Шокиржон Раҳимий томонидан 1923 йилдаёқ айтилган эди: «Туркистонга ёлғуз ички Русиядан эмас, Туркиядан, ҳатто Эрондан ва Афғон тарафларидан зўр фикрлик матбуот кира бошлади...

Тошкентда чиқғон «Тараққий», «Шуҳрат», «Хуршид», «Осиё», «Садои Туркистон», Самарқандда чиқғон «Самарқанд», «Ойина», Бухорода чиқғон «Бухорои шариф», «Турон», Хўқандда чиқғон «Садои Фарғона», «Эл байроғи» газеталари шул эл орасида чиқиб, эски ҳукуматнинг зулмига ва жаҳолатига қарши кўринган шуъла ва аланга эди...» («Ўзбек маорифининг ўтмишдаги ва ҳозирги ҳоли» Тошкент 1923 йил, 6-бет.).

Жадидчиликнинг жанговар йўли, Шокиржон Раҳимий таъбири билан айтганда, «зўр бир ўт дарёсини вужудга келтирмай туриб», уни сўндириш учун тиш-тирноқлари билан курашувчи қора юраклар бош кўтардилар. Бундан мақсад — янги фикрлар дарёсининг ўз ўзани бўйлаб ҳаракатини бўғизлаб ташлаш ва бу совуқ юриш билан жадидчиликни барбод қилмак йўлида баҳона қидира бошладилар, ва ниҳоят, «Туркистон халқининг эзмак ва барбод қилмоқ учун тиш-тирноқлари билан тиришувчи хоинлар бу ғазиталарнинг кўбларин, бири орқасидан, арзимаган баҳоналар билан тўхтатиб турдилар».

Ана шу йўллар билан чоризм гумашталари миллий маорифдаги жадидчилик ҳаракатларига тўғон ташлай бошладилар. Бу билан тафаккур қобилияти тобора уйғонаётган халқимизни саводсиз қолдириш, шу йўл билан уларни умрбод мутеликка гирифтор қилиш кўзда тутилган эди.

«Лекин, — деб ўз фикрини давом эттирган эди Ш. Раҳимий, — жуда ози (мактабларнинг — Ҳ. У.) моддий ёғининг етишмаслигидан тўхталди. Эл маорифига хизмат қилиш имкон ҳаржида бўлганлиги учун маорифга хизмат мактаб матбуот воситаси билан, иш йўли билан бўлди. Бошлаб Самарқандда, сўнгра Тошкентда, Хўқандда, сўнгра секин-секин Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бирлаб, иккилаб янги усулда мактаблар очила бошлади... Бу мактабларда фанлардан: ўқув, ёзув, ҳисоб, жуғрофияга яхши диққат қилинур эди».

Хулоса шулки, жумҳуриятда халқ таълими системасида кетаётган ҳозирги ислоҳотлар жараёнида доноларимизнинг миллий мактаблар ва миллий тарбия соҳасидаги, шунингдек, ўқиш-ўқитишнинг илмий-услубий томонларидаги арзигулик томонларини имкон қадар дарслик ва қўлланмаларимизни яратишда фойдалансак ана шу асосда миллий таълимни талаблар даражасига кўтаришимиз ва таълим мазмундорлигини оширишимиз мумкин. Миллий педагогикамизда ҳали ўрганилмаган ва қўл урилмаган муаммолар тўлиб-тошиб ётибди, айниқса, маорифда жадидчилик ҳаракати махсус илмий-текширишни тақозо қилади.

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

